



**«GROSS-GOSNOMER» РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ  
РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**  
(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

**FK-158/K8**  
1-бет 10 бетдан  
19.04.2024 й.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«GROSS суғурта компанияси» АЖ**  
**Бошқаруви раиси**

**О. Х. Назаров**

**24** апрел 2024 йил



**«GROSS-GOSNOMER» РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ РАҚАМИ  
БЕЛГИЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу Оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖнинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) Офертада кўрсатилган суғурта шартларида Суғурталовчининг расмий сайти ёки интернет-сервиси (мобил иловаси, автоматлаштирилган ахборот тизими) воситасида «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулотига доир рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини суғурта қилиш шартномасини тузиш юзасидан номаълум доирадаги жисмоний шахсларга йўлланган таклифи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Оферта Суғурта полисини расмийлаштириш санасида амал қилган «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулотига доир рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини суғурта қилиш қоидалари (бундан буён матнда Суғурта қоидалари деб юритилади) билан тартибга солинади. Суғурта қоидалари ва ушбу Оферта [www.gross.uz](http://www.gross.uz) расмий сайтида ва Суғурталовчининг бошқа интернет-ресурсларида фойдаланиш учун очиқдир.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулоти бўйича Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганидан кейин унга «GROSS-GOSNOMER» электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларини қабул қилиниши ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

- ушбу Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;
- суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида Суғурта полисини шакллантириш учун тақдим этилган шахсга доир маълумотлар билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 (беш) йил муддатга ишлашга, жумладан уларни тизимлаштириш, сақлаш, улардан фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, маълумотларни узатишга, шунингдек ички ҳужжат айланмасини таъминлаш учун суғурта шартларига кўра қабул қилинган мажбуриятларни бажариш мақсадида уларни учинчи шахсларга беришга розилик.

Суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланмаганда, шунингдек Суғурталовчи томонидан акцептдан эртaroқ ёки у билан бир вақтда акцептни чақириб олиш ҳақидаги хабарнома олинган тақдирда, акцепт олинмаган деб ҳисобланади.



Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг интернет сервислари воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет сервислари воситасида онлайн тарзда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчининг ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

### 1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУШУНЧАЛАРИ

Ушбу ҳужжатда фойдаланилган барча тушунчалар мазкур Офертада улар учун баён қилинган таърифга эга. Оферта ва Суғурта қоидаларида тушунчага (атамага) таъриф мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг таърифи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан берилган Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS суғурта компанияси» акциядорлик жамияти (СТИР: 207135501).

1.2. **Суғурта қилдирувчи** – Суғурталовчи билан ушбу Оферта шартларига мувофиқ Суғурта шартномасини тузган, мулкӣ манфаатлари рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси йўқотилишидан келиб чиқадиган қутилмаган харажатлар натижасида зарарлар юзага келиши ҳолатига суғурта қилинган муомалага лаёқатли жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки хорижий давлат фуқароси).

1.3. **Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси** (бундан буён матнда РЎДРБ деб юритилади) – атомототранспорт воситасига давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида уни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ҳудудий кодлар ва рўйхатидан ўтказиш давлат рақамлари турларига мувофиқ бериладиган махсус рақамли белги.

1.4. **РЎДРБни йўқотилиши** – Суғурта қилдирувчи ўзига тегишли бўлган РЎДРБга эгалик қилиши имкониятидан маҳрум бўлган ҳолат.

1.5. **Суғурта суммаси** – суғурта товони суммаси бўлиб, Суғурталовчи унинг доирасида Суғурта полиси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

1.6. **Суғурта мукофоти** – суғурта учун тўлов бўлиб, Суғурта қилдирувчи уни Суғурталовчига Суғурта полисида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт.

1.7. **Ариза-анкета** – Суғурталовчининг расмий сайтида ёки интернет сервисида суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган ўз шахсга доир маълумотларини киритиш йўли билан Суғурта қилдирувчи томонидан реал вақт режимида тўлдириладиган аризанинг онлайн шакли (электрон ариза). Электрон тарзда тўлдирилган Ариза-анкета уни лозим даражада тўлдирилиши шarti билан суғурта учун ёзма аризага тенглаштирилади.

1.8. **Суғурта қоидалари** – Суғурталовчининг офисларида танишиш, шунингдек [www.gross.uz](http://www.gross.uz) расмий сайтида ёки интернет сервисларида ёки QR-кодни сканерлаш йўли билан юклар олиш мумкин бўлган, Суғурталовчи томонидан тасдиқланган суғурта шартлари бўлиб, улар асосида суғурта шартномаси тузилади. Суғурта шартномаси **Суғурта** қоидаларининг шартларига кўра Суғурта қилдирувчига Ариза-анкета ёки унинг оғзаки аризаси асосида Суғурталовчи томонидан Суғурта полиси берилиши йўли билан тузилади.

1.9. **Суғурта полиси** – «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулоти бўйича РЎДРБни суғурта қилиш қоидалари ва Офертаси шартларида Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат. Суғурта полиси фақат унда кўрсатилган суғурта даври мобайнида амал қилади ва шартлашилган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шarti билан ҳақиқий деб ҳисобланади.

1.10. **Суғурта воқеаси** – суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган ва суғурта даврида юзага келган воқеа (ЙТХ ёки учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари).

1.11. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта полисида шартлашилган суғурта воқеаси бўлиб, Суғурталовчида суғурта товони тўлаш мажбуриятини юзага келиши унинг юз беришига боғлиқ.

1.12. **Суғурта даври** – Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлиқ ҳажмда тўлаши шarti билан Суғурта полиси амал қиладиган вақт даври. Суғурталовчи зиммасида Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятлар бўлади.

1.13. **Суғурта ҳудуди** – Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган, суғурта амал қилиши татбиқ қилинадиган ҳудуд.

1.14. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчи кўрган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.15. **Суғурта ҳодисаси ҳақида далолатнома** – суғурта воқеаси суғурта ҳодисаси деб тан олинганидан кейин Суғурталовчи томонидан тузиладиган ва суғурта товонини тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат.

## **2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ ВА СУҒУРТА СУБЪЕКТЛАРИ**


2.1. Суғурта қилдирувчининг РЎДРБ йўқотилишидан келиб чиқадиган, Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган кутилмаган харажатлари юзага келиши хавфи билан боғлиқ бўлган, Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мулкӣ манфаатлари суғурта объектларидир.

2.2. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи суғурта субъектлари деб тан олинади.

## **3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР**

3.1. Суғурта ҳодисаси Суғурта қоидалари ва ушбу Офертада назарда тутилган, Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган суғурта даври мобайнида ва суғурта ҳудудида содир бўлган, Суғурта қоидалари ва Офертага мувофиқ белгиланган тартибда ҳужжатлар билан тасдиқланган амалга ошган воқеа бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

3.2. Ушбу Оферта шартларига кўра Суғурта қилдирувчида ЙТХ ёки учинчи шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида йўқотилган РЎДРБни қайта тиклаш учун тегишли давлат ваколатли органлари орқали давлат божи ва йиғимларини



тўлаш кўринишида ногаҳоний ва кутилмаган харажатларнинг юзага келиши суғурта ҳодисасидир.

3.3. Ядро портлаши, радиация ёки радиоактив зарарланиш таъсири; ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар; фуқаролар уруши, турли хил халқ ғалаёнлари ёки иш ташлашлар; давлат органларининг фармойишига кўра Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган РЎДРБни олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши; суғурта ҳодисаси юзага келишини келтириб чиқарган, Суғурта қилдирувчи томонидан қасддан қилинган ҳаракатларнинг амалга оширилиши каби ҳолатлар натижасида зарарларни юзага келиши суғурта ҳодисаси бўлмайди.

3.4. Суғурта қилдирувчининг РЎДРБни:

- ✓ ушбу Офертанинг 3.2-бандида кўрсатилмаган воқеалар натижасида;
- ✓ Суғурта қилдирувчининг РЎДРБни режали асосда алмаштириши оқибатида йўқотиши суғурта ҳодисаси бўлмайди.

3.5. Суғурта қилдирувчининг РЎДРБни қайта тиклаш билан боғлиқ қуйидаги харажатлари қопланмайди:

а) РЎДРБни йўқотиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ воситачилик, маслаҳат ёки юридик хизматлар учун харажатлар;

б) РЎДРБ йўқотилиши оқибатида юзага келган яшаш учун харажатлар, транспорт ва сафар харажатлари;

в) йўқотилганлари ўрнига РЎДРБни олиш билан тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлган, Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) компенсацияси назарда тутилмаган харажатлар.

3.6. Ушбу Офертага кўра, Суғурта қилдирувчининг маънавий зарари, бой берилган нафи, фаолиятини тўхтаб қолиши, даромадини йўқотиши ва тижорат йўқотишлари қопланмайди.

3.7. Суғурта фақат Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври ва ҳудуди доирасида, суткада 24 соат давомида амал қилади.

#### **4-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА ФРАНШИЗА. СУҒУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАКЛИ**


4.1. Суғурта суммаси бу пул суммаси бўлиб, унинг доирасида Суғурталовчи Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун жавобгар бўлади.

4.2. Суғурта суммаси РЎДРБни беришда ундириладиган, ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган Тўловлар ставкасига тенг миқдорда белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади.

4.3. Суғурта шартларига кўра франшиза қўлланилмайди.

4.4. Суғурта мукофоти Суғурта суммасига фоиз нисбатида белгиланади, Суғурталовчининг интернет сервис томонидан автоматик равишда ҳисоблаб чиқарилади ва унинг якуний миқдори тўловга қадар Суғурта қилдирувчига кўрсатилади. Суғурталовчи Суғурта полиси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини ҳисоблаш чоғида суғурта таваккалчилиги табиатини, суғурта мажбуриятлари ҳажмини, суғурта муддатини ҳисобга олган ҳолда суғурта мукофотини белгилайдиган, ўзи томонидан тасдиқланган суғурта тарифларини қўллайди.

4.5. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг ҳисобварақ рақамига тўлов тизимлари операторлари ёрдамида пул маблағларини кўчириш ёки ўтказиш йўли билан бир йўла тўланади. Суғурта мукофотининг тўланган суммаси Суғурта полисида ҳам кўрсатилади.



4.6. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти бир вақтда унинг ушбу Оферта барча шартларини қабул қилишини ва розилигини тасдиқлайди.

4.7. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – «Сўм» ўзаро ҳисоб-китоблар учун валюта бўлиб ҳисобланади.

### **5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ВА УНИ АМАЛ ҚИЛИШИ МУДДАТИ**

5.1. Ушбу Офертанинг шартларига кўра Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет-ресурсидаги маълумотларни тўлдириш, кейин эса суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта қилдирувчига Суғурталовчи томонидан унинг электрон почтасига Суғурта полисининг электрон шаклини юбориш ёки Суғурта қилдирувчига Суғурта полисини расмийлаштириш чоғида унинг электрон шаклини Суғурталовчининг сайтидан юклаб олиш имкониятини тақдим қилиш йўли билан тузилади.

5.2. Суғурта шартномаси 12 (ўн икки) ой муддатга тзилади. Суғурта шартномаси ва Суғурта полисининг амал қилиши муддати бир хил қилиб белгиланади. Суғурта шартномаси амал қилиши муддатининг бошланиши ва яқунланиши (Суғурта даври) саналари Суғурта полисида ушбу Оферта 5.3-бандининг шартларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

5.3. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган пайтда расмийлаштирилади ва ёздириб берилади. Суғурта даврининг бошланиши Суғурта полисида кўрсатилади ва Суғурта полиси расмийлаштирилган кундан кейинги кунда соат 00:00:00 дан бошланади ҳамда 12 ой – Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври яқунланиши санасига (ҳар иккала сана ҳам кўрсатилган ҳолда) қадар давом этади.


### **6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ (СУҒУРТА ПОЛИСИНИ) БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ТУГАТИШ**

6.1. Суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- а) суғурта даври тугаганида;
- б) Суғурталовчи томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганида. Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ, суғурта ҳодисалари бўйича суғурта суммасининг 100% ҳажмда тўланиши мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажарилишидир;
- в) Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномасидан (Суғурта полисидан) воз кечганида;
- г) Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги келишувга кўра Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бекор қилинганда;
- д) агар Суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли бўлмаса ва суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатларга (масалан, транспорт воситасини сотилиши ва Суғурта қилдирувчи томонидан РЎДРБни ваколатли органларга қайтарилиши ва бошқа ҳоллар) кўра тугаган бўлса;
- е) Суғурта қилдирувчи вафот этганда;
- ж) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида, Суғурта қоидаларида ва ушбу Офертада назарда тутилган ҳолларда.

6.2. Суғурта шартномаси тугатилганда тарафларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

✓ Суғурта шартномаси Офертанинг 6.1-банди «г» кичик бандида назарда тутилган асос бўйича муддатидан илгари бекор қилинган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотини суғуртанинг тугамаган даврига мутаносиб равишда, Суғурталовчининг ишни юритишга доир харажатларини тўланган суғурта мукофоти суммасидан 25% (Йигирма беш фоиз)дан ортиқ бўлмаган миқдорда чегириб қолган ҳолда қайтаради. Бунда агар Суғурта полиси бўйича





илгари суғурта товони тўланган ёки тўланиши лозим бўлса, у ҳолда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди;

✓ Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) Офертанинг 6.1-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда, суғурта мукофоти қайтарилмайди;

✓ Суғурта шартномаси Офертанинг 6.1-банди «д» кичик бандида назарда тутилган асос бўйича муддатидан илгари бекор қилинган тақдирда, тарафларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари Суғурта қилдирувчининг ёзма талабига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан тегишли ҳолатлар юз берганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

### 7-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта тўловини ушбу Офертада белгиланган муддатда амалга ошириши;

б) Суғурта қилдирувчи ва унинг мулкӣ ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонунларига зид келмаса, ошкор қилмаслиги;

в) Суғурта қилдирувчига унинг сўровига кўра суғурта масалалари бўйича маслаҳат бериши шарт.

7.2. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурта қилдирувчи Шартномани тузишда (Суғурта полисини расмийлаштиришда) Суғурталовчига суғурта объекти ҳақида била туриб ёлғон ахборотни тақдим этган тақдирда, Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) ҳақиқӣ эмас деб тан олинишини ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳақиқӣ эмаслиги оқибатларини қўллашни талаб қилиш;

б) ваколатли органларга суғурта ҳодисаси юз берганлиги факти ва сабабини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш ҳақидаги сўровларни йўллаш;

в) агар Суғурта қилдирувчи **Суғурта** қоидалари ва ушбу Офертада белгиланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

г) **Суғурта** қоидалари, Суғурта шартномаси (Суғурта полиси), ушбу Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш.

7.3. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ушбу Оферта, **Суғурта** қоидалари ва Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) шартларига риоя қилиши;

б) Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тузиш чоғида Суғурталовчига ўзига маълум бўлган суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамиятга эга барча ҳолатлар ҳақида хабар бериши;

в) РЎДРБ қайта тиклаш бўйича харажатлар амалга оширилган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш учун ёзма ариза топшириши ва ушбу Офертанинг 8.2-бандида кўрсатилган, суғурта ҳодисаси юз берганлиги фактини ҳамда зарар миқдорини тасдиқлаш учун зарур ва етарли бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига бериши шарт.

7.4. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) **Суғурта** қоидалари ва ушбу Оферта билан танишиб чиқиш;

б) Суғурталовчидан Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш;

- в) Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) ушбу Офертага, Суғурта қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муддатидан илгари бекор қилиш;
- г) амалдаги қонунчиликка мувофиқ Суғурталовчи ҳақида ахборот олиш;
- д) Суғурта қоидалари, суғурта шартномаси (Суғурта полиси), ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш.

### **8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИНГ МИҚДОРИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Кейинчалик суғурта ҳодисаси деб тан олинishi мумкин бўлган суғурта воқеаси юз берганда, Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

✓ Суғурталовчига унга қулай бўлган, жўнатувчини ва билдиришнома санасини идентификация қилишга имкон берадиган усул билан (телекс ёки факс, электрон почта, мессенжерлар ва шу кабилар орқали) ёзма хабар бериши;

✓ содир бўлган воқеа ҳақида дарҳол ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериши ва РЎДРБ йўқотилганлиги фактини ҳужжат билан расмийлаштириши шарт (ЙТХ ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилмайдиган ва ЙТХ ҳақида «европротокол» деб номланадиган билдиришнома тузиладиган ҳолат бундан мустасно);

Офертанинг мазкур бандида санаб ўтилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги Суғурталовчига суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

8.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан РЎДРБ ўз маблағлари ҳисобидан қайта тикланганидан кейин тўланади. Сарфланган харажатларни компенсация қилиш учун Суғурта қилдирувчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) суғурта воқеаси баён қилинган ва суғурта товони суммасини ўтказиб бериш учун Суғурта қилдирувчининг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда суғурта товонини тўлаш учун ариза;

б) Суғурта полисининг нусхаси (Суғурта полиси ёзма равишда расмийлаштирилганда);

в) Суғурта қилдирувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

г) РЎДРБ берилганда ундириладиган тўлов тўланганлиги ҳақидаги квитанция билан бирга суратга олинган, йўқотилгани ўрнига олинган РЎДРБнинг фотосурати;

д) Суғурта қилдирувчининг харажатлари (йиғимлар, тўловлар) тўланганлигини тасдиқловчи ва пул маблағлари тўланганлиги факти, суммаси, тўланган санаси ҳамда вазифаси ҳақида маълумотларни ичига олган ҳужжатларнинг (РЎДРБни алмаштириш/қайта тиклаш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш учун ҳисобварақлар, квитанциялар ва шу кабиларнинг) нусхалари;

е) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тузилган ёки суд томонидан чиқарилган, воқеа юз берганлиги факти ва ҳолатларини тасдиқлайдиган ва тавсифлайдиган ҳужжатларнинг (баённома, қарор ёки ҳал қилув қарори ва бошқаларнинг) нусхалари (агар воқеа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳужжатлаштирилган бўлса);

ж) агар воқеа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокисиз расмийлаштирилган бўлса, ЙТХни тасдиқловчи Билдиришнома ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаси.

8.3. Суғурталовчи ўз ихтиёрига кўра амалда тақдим этилган ҳужжатларнинг етарли эканлиги ҳақида қарор қабул қилишга ва Суғурта қилдирувчидан зарар миқдорини аниқлаш, содир бўлган воқеа ҳолатларини ёки суғурта ҳодисаси юз беришида эҳтимол айбдор бўлган шахсни аниқлаш, шунингдек Суғурта қилдирувчининг айбдор шахсдан етказилган зарарни қоплаб беришини талаб қилиш (суброгация) ҳуқуқи ўтишини таъминлаш мақсадида етишмаётган ҳужжатларни/маълумотларни/ахборотни Суғурта қилдирувчидан сўраб олишга ҳақли.



8.4. Агар Суғурта қилдирувчи имконияти бўла туриб, аммо Суғурталовчига суғурта воқеаси сабабларини баҳолаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этмаган бўлса ёки ёлғон ахборотни тақдим этган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеани кўриб чиқишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Кейинчалик Суғурталовчи суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеани кўриб чиқишни барча зарур ҳужжатлар олинган пайтдан эътиборан қайта бошлаши мумкин.

8.5. Агар суғурта ҳодисаси юз беришига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши кўзғатилган ёки суд жараёни бошланган бўлса, суғурта тўлови ҳақидаги қарорни қабул қилиш тергов ёки судда иш кўрилиши яқунланишига қадар кечиктирилиши мумкин.

8.6. Суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан РЎДРБни қайта тиклаш учун қилинган, ушбу Офертанинг 8.2-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар билан тасдиқланган қуйидаги харажатларни қоплаш кўринишида, аммо Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла тўланади:

а) йўқотилган РЎДРБ ўрнига вақтинча РЎДРБни ёки дубликати олиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда давлат божини (йиғимларни, тўловларни) тўлаш учун харажатлар;

б) йўқотилганнинг ўрнига РЎДРБ олиш учун амалга оширилиши керак бўлган, ваколатли органлар томонидан белгиланган бошқа харажатлар.

8.7. Суғурта товони суғурта ҳодисаси ҳақидаги далолатнома тасдиқланганидан, ушбу факт Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланганидан ва тегишли ҳужжатлар асосида амалга оширилган товон миқдори аниқланганидан кейин Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган банк ҳисобварақ рақамига пул маблағларини нақд пулсиз тарзда ўтказиш йўли билан 10 (ўн) кун ичида тўлаб берилади.

8.8. Суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича суғурта суммаси тўланган суғурта товони миқдорига камаяди.

8.9. Битта ёки бир нечта суғурта ҳодисаси бўйича тўловларнинг умумий суммаси Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича суғурта суммасидан ошмаслиги керак.

8.10. Суғурталовчи суғурта тўловини қуйидаги асосларга кўра рад этишга ҳақли, агар Суғурта қилдирувчи:

✓ таваккалчилик даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга ҳолатлар ҳақида била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилган бўлса;

✓ суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўйган бўлса;

✓ суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеа юз берганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бермаган бўлса ёки ушбу Офертанинг 8.1-банди талабларига риоя қилмаган бўлса;

✓ суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеа сабабларини, табиатини ва унинг юз берган оқибатлар билан алоқасини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этмаган бўлса ёки сохта ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этган бўлса.

8.11. Суғурталовчининг суғурта товони тўлашни рад этиш ҳақидаги қарори Суғурта қилдирувчига у суғурта товонини тўлаш ҳақида мурожаат қилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай хабар қилиниши ва рад этиш сабаблари асосланган бўлиши керак.

8.12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчининг айбдор шахсдан етказилган зарар ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига тўланган сумма доирасида ўтади.



9.1. «GROSS-GOSNOMER» маҳсулоти бўйича Суғурта полисининг бошқа шартлари «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулоти бўйича РЎДРБни суғурта қилиш қоидаларида белгиланган.

9.2. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.3. Суғурта полисида ва ушбу Офертада назарда тутилган масалалар бўйича ёки мазкур ҳужжатлар билан боғлиқ, шу жумладан уларнинг ижроси ва бузилиши билан боғлиқ низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

9.4. Тарафлар музокаралар воситасида тинчлик йўли билан келишувга эришмаган тақдирда, Суғурта шартномасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ёки юзага келган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, ижро этилиши, бузилиши, бекор қилиниши, тугатилиши, ҳақиқий эмаслиги, тузилмаганлигига (тўлиқ ва/ёки қисми) тааллуқли барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ёки даъволар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

9.5. «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Тарафлар Суғурта қоидалари ва мазкур Оферта доирасида электрон шаклда тузилган барча ҳужжатларга (Ариза-анкета, Суғурта шартномаси, Суғурта полиси, ҳисобварақ-фактура, далолатномалар, маълумотномалар ва шу кабиларга) ушбу электрон ҳужжатларга Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра электрон ҳисобварақ-фактура муомалада бўлиши тизими операторларидан бири (ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат олган ахборот воситачиси) томонидан ишлов берилган ва жўнатилган тақдирда, уларни тегишли Тарафнинг шахсий имзоси билан имзоланган ва муҳри босилган қоғоз шаклдаги ҳужжатларга тенглаштирган ҳолда розилик беради ва уларнинг юридик кучини тан олади.

9.6. «GROSS суғурта компанияси» АЖнинг Интернет ахборот тармоғидаги расмий сайти: <https://gross.uz>. Суғурталовчининг расмий сайтидан Суғурта қилдирувчи ва ахборот тизимининг оператори бўлган Суғурталовчи ўртасида электрон шаклда ахборот алмашилини, шу жумладан суғурта шартномасини тузиш, Суғурта полисини тузиш, ўзгартириш, муддатидан аввал тугатиш тўғрисида ариза, суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида билдиришнома, суғурта товонини тўлаш тўғрисида ариза жўнатилишини, аризани кўриб чиқиш босқичлари ва натижалари ҳақидаги ахборот, жумладан суғурта тўлови тўланганлиги ҳақидаги маълумотлар юборилишини таъминлайдиган ахборот тизими сифатида фойдаланиш мумкин.

Суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеалар юз берган тақдирда, бу ҳақда Суғурта полисида кўрсатилган телефон рақами орқали хабар бериш ёки «GROSS суғурта компанияси» АЖнинг яқин орада жойлашган офисига (филиалига) мурожаат қилиш зарур.

Филиалларнинг манзиллари, телефон рақамлари ва иш режими Суғурталовчининг расмий сайтида кўрсатилган.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,

Усмон Носир кўчаси, 1-тор кўча, 6-уй

Банк реквизитлари:

«ОРИЕНТ-ФИНАНС» ХАТБ Амалиёт бўлимида

Ҳ/Р: 2020 8000 4049 4415 7001

Банк коди: 01071, СТИР: 207135501, ИФУТ: 65120

Алоқа учун ягона рақам: 11-66



«GROSS-GOSNOMER» РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ  
РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН  
ОММАВИЙ ОФЕРТА  
(2024 йил 19 апрелдан киритилмоқда)

FK-158/K8  
10-бет 10 бетдан  
19.04.2024 й.

2024 йил \_\_ апрелдаги  
«GROSS-GOSNOMER»  
рўйхатдан ўтказиш давлат рақами  
белгиларини суғурта қилиш учун  
оммавий офертага илова

«GROSS-GOSNOMER» РЎДРБни суғурта қилиш учун суғурта полисининг  
НАМУНАСИ

Полис серияси ва рақами: EGN 0000000  
Полис берилган сана:

«GROSS-GOSNOMER» РЎДРБни суғурта қилиш учун  
СУҒУРТА ПОЛИСИ

Ушбу Полис «GROSS-GOSNOMER» суғурта маҳсулотига доир рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини суғурта қилиш учун оммавий офертага (ушбу маҳсулот билан Полисининг қуйи қисмида келтирилган QR-кодда кодланган иловадан ўтган ҳолда танишиш мумкин) мувофиқ расмийлаштирилган бўлиб, Суғурталовчининг қуйидагилар ҳақидаги мажбуриятларини тасдиқлайди:

1	Суғурта қилдирувчи	
2	Суғурта қилдирувчининг телефон рақами	+ 998
3	ТВнинг русуми ва модели	
	Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами	
	Ишлаб чиқарилган йили	
	Двигател рақами	
4	Кузов (шасси) рақами	
	Суғурта ҳодисаси	Суғурта қилдирувчида ЙТХ ёки учинчи шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида йўқотилган РЎДРБни қайта тиклаш учун тегишли давлат ваколатли органлари орқали давлат божи ва йиғимларини тўлаш кўринишида ногаҳоний ва қутилмаган харажатларнинг юзага келиши
5	Суғурта муддати	20__ йилнинг _____ дан 20__ йилнинг _____ мобайнида
6	Суғурта суммаси	
7	Суғурта мукофоти	

Суғурта полисини текшириш учун мобил қурилмасидан QR-кодни сканерлаб олинг

Суғурта офертаси билан танишиш учун мобил қурилмасидан QR-кодни сканерлаб олинг

Туну кун ишлайдиган Мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан  
1166 телефон рақами орқали боғланиш мумкин